

Бақара сураси, 20-оят

16:44 / 19.07.2017 5790

Чақмоқ кўзларини олиб қўяй дейди. Ҳар сафар ёришган пайтда юриб олишар, қоронғи бўлса, туриб қолишар. Аллоҳ агар хоҳласа, қулоқ ва кўзларини кетказур. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага ўта қодирдир. Бақара 20

Аллоҳ таоло ушбу икки оятда мунофиқларнинг ҳайратлари, иккиланишлари ва умумий руҳий ҳолатларини момақалдиरोқ бўлиб, чақмоқ чақиб, осмонни зулмат босиб, қаттиқ ёмғир ёққанда кўчада қолган бечора одамга ўхшатмоқда. У қўрққанидан даҳшатга тушиб, яшиндан қутулмоқчи бўлади, бармоқларини қулоқларига тиқиб, шу мени ўлимдан сақлайди, деб турибди.

Улар куфр ва нифоқ зулматидадирлар: чақмоқ чаққан пайтдаги ёруғликдан фойдаланиб, бир-икки қадам боса оладилар, чақмоқдан кейин яна қоронғида туриб қоладилар.

Уламоларимиз: «Бу оятдаги ёмғирдан мурод Ислом дини. Чунки ёмғир ерни тирилтирганидек, Ислом ҳам қалбларни тирилтиради. Зулмат – мунофиқларнинг қалбларидаги шак-шубҳа. Момақалдиरोқ – динда кофиру мунофиқларга ваъда қилинган азоб ва иқоблар ҳақидаги хабарлар. Чақмоқ – уларнинг қалбларидаги сақланган инсоний туйғулар. Яшин эса уларга етадиган балолардир», – деганлар.

Имом Аҳмад Абу Саъийд Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Набий алайҳиссалом айтадилар:

«Қалблар тўрт хил бўлади: мусаффо бўлиб, чироқдек нур сочадиган; ғилофга солиниб, ғилофи боғланган; тўнтарилган ва ўзгарувчан. Мусаффо қалб мўмин кишининг қалбидир, унинг нури бор. Ғилофли қалб – кофирнинг қалбидир. Тўнтарилган қалб ҳақиқий мунофиқнинг қалбидир – ҳамма нарсани билиб туриб, инкор қилади. Ўзгарувчан қалбда эса иймон ҳам, нифоқ ҳам бор. Ундаги иймон худди тоза сувдан фойда оладиган ўсимликка ўхшайди. Ундаги нифоқ қон аралаш йиринг оқиб турган ярага ўхшайди. Икковидан қай бири бошқа тарафдан ғолиб келса, қалбга ҳам ғолиб келади».